# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ халқ таълими муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, педагог ходимларнинг касб-кор сифатлари ва меҳнатларининг якуний натижасини холис баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг аттестацияси ўтказилади.

## 1. АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯЛАРИ

1. Аттестация комиссиялари район, шаҳар халқ таълими бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари, республика идораларидаги халқ таълими муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида тузилади.

Халқ таълимини бошқариш органларига аниқ шароитни ҳисобга олган ҳолда аттестацияни қайси муассасаларда бошқарув органи комиссияси, бошқасида муассаса аттестация комиссияси ўтказишини белгилаш ҳуқуқи берилади.

2. Аттестация комиссияси таркиби раис — муассаса раҳбари, унинг ўринбосари (касаба уюшмаси аъзоси), котиб, ҳар томонлама саводли ва малакали ходимлардан ташкил топадиган комиссия аъзоларидан иборат бўлади. Аттестация комиссияси ишига, зарурат туғилганда, бошқарув органлари, методик хизматлари, тармоқ касаба уюшмалари вакиллари ва бошқалар киритиладилар.

3. Аттестация комиссия аъзоларининг сони ва шахсий таркиби муассаса (ташкилот) раҳбари томонидан тегишли кенгаш ва касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда, аниқланади ҳамда тасдиқланади.

Аттестация комиссияси шакллантирилаётганда аттестациядан ўтказиладиган ходимларнинг таркибини ҳисобга олиш зарур. Уларнинг мутахассисликлари ва эгаллаб турган лавозимларига боғлиқ равишда комиссияга юқорида санаб ўтилган ходимлар билан бирга албатта тегишли мутахассислар ҳам киритилиши керак.

4. Район, шаҳар халқ таълими бўлими ҳузуридаги аттестация комиссияси ўз тасарруфидаги ўқув-тарбия муассасалари раҳбарларини аттестациядан ўтказади, қарамоғидаги ўқув-тарбия муассасалари аттестация комиссияларининг педагог-ходимларга биринчи тоифа малакасини бериш ҳақидаги тавсияномаларини тасдиқлайди.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар (Тошкент шаҳар) халқ таълими бошқармалари ўз бюджетида турадиган ҳунар-техника билим юртлари, тасаррруфидаги бошқа таълим-тарбия муассасалари раҳбарларини аттестациядан ўтказади, аттестация комиссияларининг педагог ходимларга олий тоифа малакасини бериш ҳақидаги тавсияномаларини тасдиқлайди.

6. Қорақалпоғистон Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Марказий ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, республика халқ таълими тасарруфидаги муассасалар аттестация комиссиялари ходимларга тегишли тоифа малакасини бериш учун аттестациядан ўтказади.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги аттестация комиссияси ўз тасарруфидаги республика бюджетида турадиган ўқув-тарбия муассасалари раҳбарларини аттестациядан ўтказади, бу муассасалар аттестация комиссияларининг педагог ходимларга олий тоифа малакасини бериш тўғрисидаги тавсияномаларини тасдиқлайди.

8. Аттестация комиссияси ўқув-тарбия муассасаси педагогика кенгаши тақдим этган тавсияномани ҳар томонлама кўриб чиқиб, аттестациядан ўтказилаётганларни тинглаб, уларнинг ҳар бирига тегишли тоифа малакасини белгилаш тўғрисида хулоса чиқаради.

Аттестация комиссияси район, шаҳар халқ таълими бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги аттестация комиссиялари олдига педагог ходимга «биринчи тоифали мутахассис» ва «олий тоифали мутахассис» малака тоифасини белгилаш тўғрисида тақдимнома топширади.

9. Аттестация натижаси ходимга бевосита аттестациядан сўнг маълум қилинади ва аттестация комиссиясининг протоколи билан расмийлаштирилади (протокол намунаси илова қилинади). У раис, унинг ўринбосари, котиби ва овоз беришда қатнашган аттестация комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

10. Педагог ва бошқа ходимлар аттестациясининг барча масалалари бўйича аттестация комиссияси очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қарор қабул қилади. Овоз бериш усули аттестация комиссияси томонидан белгиланади. Овоз бериш аттестациядан ўтаётган ходим иштирокида ўтказилади. Агар комиссия ишида унинг аъзоларининг учдан икки қисми қатнашса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Овоз бериш натижалари кўпчилик овоз билан белгиланади, лекин йиғилишда қатнашаётган аттестация комиссияси аъзолари сони жами овоз берувчиларнинг ярмидан кам бўлмаслиги лозим. Овоз бериш натижалари аттестациядан ўтказилаётган ходимга овоз беришдан сўнг маълум қилинади. Агар аттестациядан ўтказилаётган киши комиссия йиғилишида иштирок этмаса, овоз бериш натижалари ҳақида унга ёзма равишда хабар қилинади.

Аттестация комиссияси аъзоси аттестациядан ўтказилаётганда овоз беришда қатнашмайди.

11. Агар муассаса (ташкилот) аттестация комиссияси маълум бир хулосага кела олмаса ёхуд аттестациядан ўтказилувчи комиссия хулосаларидан норози бўлса, у ҳолда халқ таълими бўлими (бошқармаси), Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикалари Халқ таълими вазирликлари мустақил эксперт комиссиясини тузадилар. Бу комиссия аттестация комиссияси чиқарган қарорнинг тўғри ёки нотўғрилиги хусусида ўз хулосасини тайёрлайди, шу асосда аттестация комиссияси қарор қабул қилади. У якуний ҳисобланади.

12. Аттестация комиссияси уни ташкил қилган орган томонидан белгиланган вақт давомида фаолият кўрсатади. Зарурат туғилган ҳолатда шу орган томонидан комиссия ваколатининг, аввал белгиланган муддатидан қатъи назар, унинг таркибига шахсий ўзгаришлар киритилади. Аттестация комиссиясининг таркибидаги барча ўзгаришлар у тузилаётган ўқув-тарбия муассасаси ёки халқ таълимини бошқариш органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

13. Аттестация комиссиясининг қарори билан вазифасига нолойиқ деб топилган педагог ходимларга нисбатан уларни бошқа ишга ўтказиш ёки белгиланган тартибда ишдан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилинади.

## 2. АТТЕСТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ ВА УНИНГ ДАВРИЙЛИГИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг аттестацияси доимий равишда, камида уч йилда бир марта ўтказилади.

Аттестация давомида аттестациядан ўтказилаётган кишининг фаолиятини чуқур ўрганиш, тақдим этилган ҳужжатлар асосида комиссия ходимга илгари берилган тоифани тасдиқлаши, яна ҳам юқорироқ тоифага ўтказиши ёки, аксинча, қуйироқ тоифага тушириши мумкин.

2. Зиммаларига юкланган вазифаларни эплай олмаган, касб-кор, илмий-назарий ва методик жиҳатдан бўш тайёрланган педагог ходимлар, агар бу нарса ҳаққоний маълумотлар билан тасдиқланса, у ҳолда муддатидан аввал аттестациядан ўтказилишлари мумкин. Ўқув-тарбия муассасаси маъмурияти ёки халқ таълимини бошқариш органи навбатдан ташқари аттестациянинг ташаббускорлари бўлишлари мумкин. Муддатидан аввал аттестация ўтказиш ҳақидаги қарорни ўқув-тарбия муассасаси Кенгаши касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда қабул қилади.

3. Ўқув-тарбия жараёнида аттестациягача бўлган даврга нисбатан юқори натижаларга эришган педагог ходимлар, агар бу нарса арзирли маълумотлар билан тасдиқланса, навбатдаги тоифага кўтарилиш учун навбатдан ташқари аттестациядан ўтишлари мумкин. Юқорида тилга олинган органлар ва ташкилотлар, шунингдек, педагог ходимларнинг ўзлари шундай аттестацияни ўтказиш ташаббускорлари бўлишлари мумкин.

Навбатдан ташқари аттестациядан ўтган педагог ходим навбатдаги аттестациядан сўнг орадан ками билан бир йил ўтгач ўтказилади.

Навбатдан ташқари аттестациядан ўтган педагог ходим навбатдаги аттестациядан ўтишдан озод этилмайди.

## 3. АТТЕСТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

1. Белгиланган тоифа малакасидан бири (олий тоифали ўқитувчи, биринчи тоифали ўқитувчи, иккинчи тоифали ўқитувчи)ни олиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассасалари ва ташкилотларининг барча тоифадаги ходимлари аттестациядан ўтишлари керак.

2. Педагогик нагрузкага эга бўлган ўқув-тарбия муассасаларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, халқ таълими органларининг ходимлари, ишлаётган пенсионерлар (шу жумладан, муддатли меҳнат шартномаси шартлари асосида ишлаётганлар) уларнинг хоҳишларига қараб педагог ходимлар сифатида аттестациядан ўтказилишлари мумкин. Уларга ҳам малака тоифаларидан бири берилади.

Ўқув-тарбия муассасалари ва ташкилотларида ўқитувчилик фаолиятига жалб этилган халқ хўжалиги мутахассислари аттестациядан белгиланган тартибда ўриндошлик йўли билан ишлаётган жойларидан ўтадилар.

3. Оз комплектли ўқув-тарбия муассасаларининг педагог ходимлари аттестациядан таянч ўқув-тарбия муассасаларида ёки район, шаҳар халқ таълими бўлимларида ўтадилар. Бу муассасалар рўйхати ва уларнинг ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби бошқарув органлари томонидан бўйсунганлик тартибида белгиланади.

4. Тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлган, бир ёки икки фандан дарс бераётган педагог ходимлар асосий ўқув нагрузкасига эга бўлган фандан аттестациядан ўтказиладилар.

Олий маълумотга эга бўлган ва, шунингдек, икки ёки ундан кўпроқ фандан дарс бераётган педагог ходимлар асосий ихтисосликлари бўйича аттестациядан ўтказиладилар. Бунда шу фан бўйича ўқув нагрузкаси умумий дарс ҳажмининг камида учдан бирини ташкил қилиши керак.

5. Республика Халқ таълими вазирлиги тизимидаги барча турдаги болалар уйлари ва мактаб-интернатлари, муассаса ва ташкилотлари врачлари, ўрта маълумотли медицина ходимлари аттестациядан белгиланган тартибда соғлиқни сақлаш органларида ўтадилар.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлаётган дефектологлар аттестациядан халқ таълими органларида ўтадилар.

6. 3 йилгача педагогик стажга эга бўлган, мазкур ўқув-тарбия муассасаларида бир йилдан кам ишлаган, шунингдек, ўзаро келишув асосида ишга қабул қилинган ёки конкурс асосида сайланган ходимлар аттестациядан ўтмайдилар.

7. Узоқ муддат даволанишда бўлган, шунингдек, аёлларга ҳомиладорлиги ва туққанлиги бўйича таътилда бўлган ёки боласи уч ёшга етгунча қараганлиги учун бериладиган хордиқда бўлган ходимлар аттестацияси у ишга чиққандан сўнг ками билан бир йилдан сўнг ўтказилади.

8. Педагог ва бошқа ходимлар аттестациясидан олдин зарур тайёргарлик ишлари олиб борилади.

Аттестацияни ўтказиш муддати аттестациядан ўтадиганларга камида бир ой олдин маълум қилинади.

Ўқув-тарбия муассасаси маъмурияти касаба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда методика кенгаши, методика бирлашмалари аъзоларини жалб қилган ҳолда, ўқув-тарбия муассасалари раҳбарлари, инспекторлар, методистлар, ҳамкасб ўқитувчилар томонидан дарслар (машғулотлар), синфдан ташқари ва мактабдан ташқари тадбирларни режа асосида кузатиш натижасида олинган холис маълумотлар асосида, назорат ишлари ва имтиҳонлар якунларига асосланиб аттестациядан ўтказилаётган кишига тавсиянома лойиҳасини тузадилар.

Аттестациядан ўтказилаётган ходимнинг тавсияномаси лойиҳаси ё педагогика кенгашида, ё ўқув-тарбия муассасасининг ишлаб чиқариш кенгашида аттестациядан ўтказилувчининг иштирокида, агар у рад этса, усиз муҳокама қилинади. Жамоадаги муҳокама давомида билдирилган эътирозлар, таклифлар, қўшимчалар, ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда тавсиянома қайта ишланади ва материаллар аттестация комиссиясига тақдим этилишидан камида бир ҳафта бурун аттестациядан ўтказилувчи эътиборига ҳавола қилинади.

Аттестациядан ўтказилаётган ходимга педагогика кенгаши тавсияномаси ва аттестация варақаси (илова қилинади) аттестация комиссиясига аттестация бошланишидан кечи билан икки ҳафта аввал тақдим этилади.

Аттестация якунлангандан сўнг аттестация варақасининг бир нусхаси аттестация комиссиясида, иккинчиси аттестациядан ўтган ходимнинг шахсий варақасида сақланади.

9. Аттестациядан ўтказилаётган ходимнинг ҳужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштиришда унинг касб маҳорати, назарий ва методик даражасини, иш натижаларининг ўзгаришини аниқлаш мақсадида аввалги аттестация материалларидан фойдаланилади. Агар аттестациядан ўтказилаётган ходим аввалги аттестацияни бошқа вилоят, республикада жойлашган ўқув-тарбия муассасида ўтган бўлса ва юқорида қайд этилган материалларни олишда қийинчилик туғилса, аттестация комиссиясининг хулосаси ёки тавсияномаси ҳисобга олинади.

## 4. АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

1. Ўқув-тарбия муассасаси кенгашлари ва халқ таълимини бошқариш органлари аттестация комиссияларининг қарорларини амалга ошириш бўйича тадбирлар белгилайдилар.

Педагог ва бошқа ходимларнинг аттестацияси якунлари ўқув-тарбия муассасаси ва халқ таълимини бошқариш органи кенгаши йиғилишида кўриб чиқилади.

2. Ўқув-тарбия муассасалари (ташкилотлари) раҳбарлари аттестация комиссияси қарори асосида ходимга тегишли тоифа малакасини бериш ҳақида буйруқ чиқарадилар.

3. Ўқув-тарбия муассасаси раҳбари аттестация комиссиясининг ходим эгаллаб турган лавозимига мос эмаслиги ҳақидаги қарори асосида аттестациядан сўнг узоғи билан икки ой ичида (касаллик, таътилда бўлиш вақти бу муддатга кирмайди) ходимни ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишга ўтказиш (унинг розилиги билан) ҳақида буйруқ чиқаради.

Ходимни бошқа ишга ўтказиш имконияти бўлмаса ёки у розилик бермаса, ўқув-тарбия муассасасининг раҳбари ўша муддатда ўқув-тарбия муассасаси касаба уюшмаси қўмитаси розилиги билан республика меҳнат қонунлари мажмуининг 41-моддаси 2-бандига таяниб уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий (қишлоқ), Олий кенгашлари халқ депутатлари бўлган халқ таълими ходимларини ишдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари мақоми ҳақидаги Қонун талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Белгиланган муддат тугаши муносабати билан ходимни ишдан озод қилинишига ёки бошқа ишга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

4. Аттестация билан боғлиқ меҳнат баҳслари, шу жумладан, ишдан бўшатиш масалалари амалдаги қонунчиликка мувофиқ кўриб чиқилади.

## 5. ТОИФАЛАРГА МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

«Олий тоифали мутахассис» унвони қуйидаги педагог ходимларга:

— юксак касб-кор малакасига, иш ва шахсий сифатларга эга бўлган, ўқув-тарбия жараёнида эксперт баҳоси билан тасдиқланган юқори самарадорликни таъминлаганларга;

— район (шаҳар), вилоят ва республика педагогика жамоатчилиги томонидан тан олинган, оммалаштирилган илғор педагогик тажрибага эга бўлганларга;

— ўқувчилар томонидан дастур материалининг тўла ўзлаштирилишига, тажриба ишида фаол қатнашилишига, педагогика ва психология соҳасидаги тадқиқот натижалабини амалиётга дадил жорий қилинишига эришганларга;

— ўқитувчи ва ўқувчининг ижодий ишлаши учун барча талабларга жавоб берадиган жиҳозланган ўқув хонасига эга бўлганларга;

— вилоят, республика педагогика ўқишларида, семинарларда, конференцияларда фаол иштирок этганларга;

— вилоят ва республика матбуотида иш тажрибаси хусусида мақола эълон қилганларга;

— ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг ностандарт шакл ва услубларидан, ўқув-кўргазмали қўлланмалар ҳамда таълимнинг техник воситаларидан кенг фойдаланганларга;

— вилоят ва республика фан олимпиадалари, кўриклари, конкурслари ҳамда мусобақаларининг ғолиблари, совриндорларини тайёрлаганларга;

— ўқувчилар ва ота-оналар жамоатчилиги ўртасида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлганларга;

— ўзининг ғоявий-назарий даражасини ва малакасини мунтазам ошираётганларга, ота-оналар ва аҳоли ўртасида билимларни, энг аввало, педагогик билимларни тарқатишда фаол иштирок этаётганларга;

— ёш мутахассисларга, малакали амалий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа педагог ходимларга мунтазам ёрдам кўрсатаётганларга;

— олий маълумотга ва ихтисослиги бўйича камида 9 йил педагогик иш стажига эга бўлганларга берилади

Эслатма: район (шаҳар) метод кабинетларининг, малака ошириш институтларининг методистларига олий тоифа истисно тариқасида ихтисослик бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлганларга берилиши мумкин...

Шунингдек, олий тоифа истисно тариқасида ўрта махсус маълумотга ва камида 9 йил педагогик иш стажига эга бўлган бошланғич синфлар ўқитувчилари ва мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларига берилиши мумкин.

2. «Биринчи тоифали мутахассис» унвони қуйидаги педагог ходимларга:

— ўқув-тарбия муассасаларида муваффақиятларга эришганларга, зарур илмий-назарий ва методик тайёргарликка эга бўлганларга, ўз фанини ўқитишнинг замонавий методикасини ўзлаштириб олганларга;

— район (шаҳар) миқёсида оммаллаштирилган илғор педагогик тажрибага эга бўлганларга;

— район (шаҳар), вилоят педагогика ўқишларида, семинарларида, конференцияда иштирок этганларга;

— район (шаҳар), вилоят олимпиадалари, кўрик-конкурслари ва мусобақаларининг ғолибларини ва совриндорларини тайёрлаганларга;

— синф раҳбари ва тўгарак, секция раҳбари сифатида муваффақиятли ишлаётганларга, ўқувчилар ўз-ўзини бошқарув органларидан ижобий баҳо олганларга;

— методик ва жамоат ишида мунтазам фаол иштирок этаётганларга;

— ўқув-тарбия жараёнида ўқув-кўргазмали қўлланмалардан ва таълимнинг техник воситаларидан фойдаланганларга;

— район (шаҳар), вилоят ва бошқа матбуотда иш тажрибаси хусусида мақола эълон қилганларга;

— олий маълумотга эга бўлган ва мутахассислиги бўйича камида 6 йил педагогик иш стажига ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва мутахассислиги бўйича камида 10 йиллик иш стажига эга бўлганларга берилади.

3. «Иккинчи тоифали мутахассис» унвони қуйидаги педагог ходимларга:

— ўз фанидан дарс бериш методикасини яхши эгаллаганларга, зарур назарий тайёргарликка ва касб-кор маҳоратининг етарли даражасига эга бўлганларга;

— метод бирлашмалар ишида фаол қатнашганларга:

— малакасини мунтазам ошириб борувчиларга;

— ўқув жараёнида кўргазмали қўлланмалар ва таълимнинг техник воситасини қўллаганларга;

— синф раҳбарлари, тўгарак ва секцияларнинг раҳбарлари сифатида муваффақиятли ишлаётганларга;

— район (шаҳар) ва бошқа матбуотда ўз иш тажрибаси хусусида мақола эълон қилганларга;

— олий маълумотга эга бўлган ва мутахассислиги бўйича камида 3 йил педагогик иш стажига ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва мутахассислиги бўйича камида 5 йиллик иш стажига эга бўлганларга берилади.

4. «Мутахассис» унвони олий (ўрта махсус) маълумотга ва мутахассислиги бўйича 3 йилгача иш стажига эга бўлган педагог ходимларга берилади.

---

1–ИЛОВА

### ПЕДАГОГИК ВА БОШҚА ХОДИМЛАРНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ЖАДВАЛИ

(район, вилоят, республика ўқув–тарбия муассасаси номи)

| | Аттестациядан ўтувчининг Ф.И.Ш. | Аттестацияни ўтказиш вақти | Аттестациядан ўтувчининг жадвал билан танишганлиги ҳақидаги имзоси ва имзо қўйилган кун |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |

"___" ________ 199__ й. М.Ў.

Ўқув–тарбия муассасаси раҳбари

Касаба уюшмаси раиси

Эслатма: аттестациядан ўтувчи аттестация ўтказиш муддати билан камида бир ой олдин танишади. Буни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

---

2–ИЛОВА

(аттестация комиссияси тузилган ўқув–тарбия муассасаси ёки халқ таълимини бошқариш органи)

### АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИНИНГ ПРОТОКОЛИ

Раис ____

Раис ўринбосари ____

Котиб ____

Комиссия аъзолари ____

Аттестация комиссияси тақдим этилган материалларни кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

| №№ | Аттестациядан ўтувчининг Ф.И.Ш. | Эгаллаб турган лавозими ва иш жойи | Аттестация комиссиясининг қарори | Эслатма |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

Раис (раис ўринбосари)

Аттестация комиссияси котиби

Аттестация комиссияси аъзолари

"___" ________ 199__ й.

---

3–ИЛОВА

### АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ

Ф.И.Ш. ____

Мансаби (қайси фандан дарс беради, тўгарак, секция номи) ____

(ўқув–тарбия муассасаси номи, район, шаҳар, республика)

Туғилган йили ____

Маълумоти ____

(ўқув юрти ва фак–т номи, уни тамомлаган йили)

Илмий даражаси, унвони ____

Педагогик иш стажи ____

Сўнгги беш йилда малака ошириш шакли ____

Мукофотлари ____

Аввалги аттестациядан қачон ўтган, аттестация комиссиясининг қарори ____

#### ТАВСИФНОМА

(меҳнатининг аниқ натижалари кўрсатилади, 1, 5–2 қоғоз)

Хулоса ва таклифлар ____

Ўқув–тарбия муассасаси (қайси) раҳбари

М.Ў. Касаба уюшмаси раиси

Аттестация варақаси билан танишдим ________ 199___ й.

(аттестациядан ўтаётган ходим имзоси)

---

Аттестация комиссияси хулосаси ____

Аттестация комиссияси раиси имзо Ф.И.Ш.

Аттестация комиссияси котиби имзо Ф.И.Ш.

Аттестация комиссияси аъзолари имзо Ф.И.Ш.

Район, шаҳар, вилоят халқ таълими бўлимлари, бошқармалари, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикалари Халқ таълими вазирликлари аттестация комиссиясининг қарори ва унинг қабул қилинган вақти* ____

Аттестация комиссияси раиси Ф.И.Ш.

Аттестация комиссияси котиби Ф.И.Ш.

Аттестация комиссияси аъзолари Ф.И.Ш.

М. Ў.

Ўқув–тарбия муассасаси раҳбарининг аттестация якунлари бўйича қарори ва унинг қабул қилинган вақти ____

Раҳбар Ф.И.Ш.

М.Ў.

*Биринчи ва олий тоифа малакаларига тақдим этилган ёки эгаллаб турган лавозимига мос эмас деб топилган ходимлар учун.

